

Қарор ижросида амалда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724–сонли қарори ижроси бўйича Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан режали ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолига сифатли автотранспорт хизмати кўрсатиш мақсадида, Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Фарғона автобус йўналишлари” МЧЖ томонидан 4 дона ISUZU HC 40 русумли ва 2 дона ISUZULE 60 русумли жами 6 та автобус 1 млрд .209 млн. 500 минг сўм маблағи ҳисобидан (298 млн. 800 минг сўм банк кредити ва 910 млн. 700 минг сўм корхона маблағи) сотиб олинди.

Ушбу харидни амалга ошириш билан корхона яна янги 10 та ишчи ўрни яратиб, малакали ҳайдовчиларни ишга қабул қилмоқда.

Худди шунингдек, Фарғона шаҳар “Фергана Автотрансхизмат” МЧЖ томонидан 3 дона ISUZU LE 60 русумли автобусни 944 млн. 900 минг сўм банк кредити ҳисобидан сотиб олинди. Янги автобуслар лицензия варақалари билан таъминланиб, “Фарғона–Водил” автобус йўналишига тендер асосида кўйилди ва ғолибликни қўлга киритди. Бугунги кунда йўналишда тендер таклифларини ўрганиш ва тендер битими тузиш жараёни давом этмоқда.

Ушбу янги автобуслар тез кунларда аҳолига сифатли ва намунали автобус хизмати кўрсатишни бошлайди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати